

Қабул-2021: Бугун мадрасаларга қабул тест синовлари очик майдонларда ўтказилади



08:20 / 18.08.2021 1691

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги Ислон билим юртларига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовлари 2021 йил 18 август куни

2-сменада бўлиб ўтади ва 19:00 да бошланади.

Тест синовлари республика бўйича қуйидаги очик майдонларда ўтказилади:

Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний ўрта махсус ислом таълим муассасасига топширган абитуриентларники

Қорақалпоғистон Республикаси – “Турон” марказий стадионида;

“Сайид Муҳйиддин махдум” ўрта махсус ислом таълим муассасасига топширган абитуриентларники

Андижон вилояти – Спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби стадионида (3-

сектор);

“Ҳидоя” ўрта махсус ислом таълим муассасасига топширган
абитуриентларники

Наманган вилояти – 17-болалар-ўсмирлар спорт мактаби “Навбахор-умид”
стадионида;

Мир Араб ўрта махсус ислом таълим муассасаси ва.

“Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаларига
топширган абитуриентларники

Бухоро вилояти – “Дилкушо” теннис спорт мажмуасида;

Фахриддин ар-Розий ўрта махсус ислом таълим муассасасига топширган
абитуриентларники

Хоразм вилояти – Футбол академияси қошидаги “Хоразм” спорт
мажмуасида (1-сектор);

“Имом Термизий” ўрта махсус ислом таълим муассасасига топширган
абитуриентларники

Сурхондарё вилояти – Термиз ихтисослаштирилган олимпия захиралари
мактаб-интернати футбол майдонида;

“Ҳожа Бухорий” ўрта махсус ислом таълим муассасасига топширган
абитуриентларники

Қашқадарё вилояти – “Насаф” футбол клуби машғулотлар майдонида (2-
сектор);

“Кўкалдош” ўрта махсус ислом таълим муассасаси ва

“Ҳадичаи Кубро” аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаларига
топширган абитуриентларники

Тошкент шаҳри – Ботаника боғида (1-2-3-4-секторлар).

Абитуриентларни 17:30дан бошлаб тест синови ўтказиладиган ҳудудга
шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва имтиҳон рухсатномаси билан киритиш
бошланади.

Абитуриентлар тест синовида иштирок этиш учун рухсатномани
Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг qabul.muslim.uz сайти ҳамда
[@qabulmuslimuz_bot](https://t.me/qabulmuslimuz_bot) бот ва [@qabulmuslimuz2_bot](https://t.me/qabulmuslimuz2_bot) бот телеграм ботлари
орқали олиши мумкин.